



Дехконобод тумани
(место заключения договора)

26 августа 2022
(дата заключения договора)

ЧП "BIBIQORASOCH - MINE-VATER" (именуемое в дальнейшем - Исполнитель) в лице директора **KENJAYEV XOLMURAT AXMATOVICH**, с одной стороны, и НАСОС СТАНВА ВА ЭНЕР БОШКА (именуемое в дальнейшем - Заказчик) в лице директора **XURRAMOV SAMAD KUDRATOVICH**, с другой стороны, вместе именуемые Стороны, а по отдельности - Сторона, заключили настоящий договор о следующем:

1. I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

По настоящему договору Заказчик оплачивает и принимает, а Исполнитель поставляет товар(услуг) на следующих условиях:

№2	Наименование товаров (услуг)	Идентификационный код и название по Единому электронному национальному каталогу товаров (услуг)	Штрих-код товара/услуги	Единицы измерения	Кол-во	Цена	Стоимость поставки	НДС		Стоимость поставки с учётом НДС
								ставка	сумма	
1	Миришкор ва Нишон туманларида жойлашган Нишон туманида жойлашган Ойдин-1 Ойдин-2 Миришкор туманида жойлашган Чандир -1 мелиоратив насос агрегатлардаги кувурларни яроқсиз қисмларни алмаштириш ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш	11307010004000000 - Сув кувурларини ётқизиш ва монтаж ишларини олиб бориш хизмати		услуга	1,00	43 956 521,74	43 956 521,74	15,0000	6 593 478,26	50 550 000,00

Общая сумма договора составляет Пятьдесят миллионов пятьсот пятьдесят тысяч сум 00 тийин (сумма прописью).

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га бошқарма тассаруфидаги Миришкор ва Нишон туманларида жойлашган Нишон туманида жойлашган Ойдин-1 Ойдин-2 Миришкор туманида жойлашган Чандир -1 мелиоратив насос агрегатлардаги кувурларни яроқсиз қисмларни алмаштириш ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) бажаради. "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

"Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

- "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- "Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
 - "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" еҳуд учинчи шахслар томонидан тўғрилиниши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
 - шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.
- 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:
 - ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
 - "Хизматлар"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 7 кун мобайнида ҳақ тўлаш.
- 2.3. "Бажарувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўлашини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
 - берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.
- 2.4. "Бажарувчи" қуйидагиларга мажбур:
 - "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
 - агар "Хизматлар"ни курсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қуйган бўлса "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 7 кун муддатда текин тузатиб бериш.

3. III. ШАРТНОМАНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

Буюртмачи кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми 30% олдиндан тулайди, бажарилган ишлар тасдиқланган кундан 1 ҳафта муддат ичида 70 % узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

4. IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи"нинг розилиги билан "Хизматлар" муддатидан олдин кўрсатилиши мумкин. "Буюртмачи" томонидан кўрсатилган ва қабул қилинган "Хизматлар" учун кейинги даврларда кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.
- 4.5. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича

кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юридади.

Буюртманомани "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомани кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

5. V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

"Бажарувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

6. VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2 Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.3. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8. VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) "Буюртмачи" жойлашган жой бўйича рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

9. ЮРИДИЧЕСКИЕ АДРЕСА И РЕКВИЗИТЫ СТОРОН

Исполнитель

Заказчик

Наименование: ЧП "BIBIQORASOCH -MINE-VATER"

Наименование: НАСОС СТАНВА ВА ЭНЕР БОШКА

Адрес:

Адрес: УЗБЕКИСТОН ОВОЗИ 17

Тел.: 998919465760

Тел.:

Факс:

Факс:

ИНН: 301098984

ИНН: 200667042

ОКЭД:

ОКЭД: 70210

Р/С:



Р/С: 23404000800219735001

Банк: ТОШКЕНТ Ш., АТБ "КИШЛОК КУРИЛИШ БАНК" БОШ АМАЛИЁТЛАР БОШКАРМАСИ

Банк: КАРШИ Ш., "ТУРОНБАНК" АТ БАНКИНИНГ КАРШИ ФИЛИАЛИ

МФО: 01037

МФО: 00192



Аму-Қашқадарё ИТХБ

НС ва ЭБ ташкилот рахбари

С.Хуррамов



Мухокама баёни

26.08.2022 й

Бошқармамиз томонидан лот №22110012130277 асосан сув қувурларини жорий таъмирлаш мақсадида хизматларни (<https://etender.uzex.uz/>) электрон савдолар орқали 23.08.2022 йилда электрон таклиф берган иштирокчилар орасидан энг яхши таклиф берган иштирокчи Бибиқорасоч мини ватер таъмирлаш қурилиш ташкилоти ғолиб бўлди ва дастлабки баённома 2 иш кун мухокамага қуйилди. Ушбу 2 иш кун мухокама даврида ҳеч қандай иштирокчи ташкилотлар томонидан эътирозлар булмаганлиги сабабли Бибиқорасоч мини ватер таъмирлаш қурилиш ташкилоти билан шартнома тузиш учун харид комиссияси қарор қилади.

Комиссияси раиси

Э.Хуррамов

аъзолари:

С.Қурбонов

Х.Авазов

Ш.Инатов

Б.Чоршанбиев

В.Хакулов

Котиб: